

## **Марказий банкда сўровни кўриб чиқиши муддатлари ва тартиби**

---

Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови ёзма, оғзаки ва электрон кўринишда қабул қилинади.

Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан **ўн беш кунлик** муддатда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситасининг Марказий банки фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Расмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган (чоп этилган) ёхуд расмий веб-сайтда жойлаштирилган ахборот сўралганда Марказий банк сўровга бериладиган жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган (чоп этилган) расмий нашрнинг, оммавий ахборот воситасининг номи, чиқарилиш санаси ҳамда ракамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайт электрон манзилини кўрсатган ҳолда ҳавола бериши мумкин.

Агар Марказий банк томонидан қабул қилинган олинган сўров бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари ваколатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмаса, ахборотдан фойдаланувчига сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида тегишли жавоб юборилади.

Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асослантирилган жавоб юборилади.

---

Маълумот учун: **212-60-52**